

ШАХСИЙ МУЛК ХИМОЯСИ КОНСТИТУЦИОН НОРМА БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНГАН!

¹Низамов Санжар Мелисович

Жамоат хавфсизлиги университети
кафедра катта ўқитувчиси, доцент,

²Жўраев Фарходжон Махмуджон ўғли

ИИБ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқи
кафедраси ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7569371>

Аннотация: Мақолада мулк ҳуқуқи дахлсизлиги, уни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш кафолатларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда бу борадаги айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан айрим тавсиялар мушоҳада қилинган.

Таянч сўзлар: шахсий мулк, хусусий мулк ҳуқуқи, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, конституцион норма, мулкни тасарруф этиш, шахсий мулкни кафолатлаш, хусусий мулкнинг дахлсизлиги.

Фуқароларнинг мулкий муносабатлари билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш, бу борада мансабдорларнинг вазифа ва жавобгарликларини қатъий белгилаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев “Ерга бўлган ҳуқуқлар кафолати кучайтирилиб, мулкий ҳуқуқларни бекор қилиш фақат суд тартибида ҳал этилишини қатъий белгилаш зарур” деб таъкидлаган эди [1].

Узоқ ўтмиш тарихдан бизга маълумки ўзбек тарихчилигида азал-азалдан аҳолининг шахсий мулкка бўлган ҳуқуқлари у ҳоҳ фикҳий қонун-қоидалар юзасидан бўлсин, ҳоҳ анъанавий таълимотлар қондасидан бўлсин барча-барчасида шахсий мулкнинг кафолати давлат томонидан берилилган ҳола, давлат раҳбари ёки ҳукумати томонидан ўз ҳимоясига олиниб келган.

Мазкур фикрнинг исботи сифатида соҳибқирон амир Темурнинг давлатда шахсий мулкнинг кафолатини таъминлаш мақсадида империянинг ғарбий сарҳадидан шарқий сарҳадларига қадар бошида сават билан олтин тўлдирилган болакайнинг юриши оқибатида болакайнинг саватидан мамлакатнинг ҳеч бир ҳудудида олтин тангаларнинг камаймасдан боришини таъминланиши ҳам буюк соҳибқирон империясида шахсий мулкни давлат томонидан хавфсизлигини кафолатланганлигини қўришимиз мумкин [2,Б.130].

Шу жумладан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да ҳам инсоннинг мулкка бўлган ҳуқуқлари давлат ва жамият томонидан кафолатланиши белгилаб ўтилганлигининг ўзи ҳам шахснинг мулкка бўлган ҳуқуқлари умумътироф этилган ҳуқуқ нормаси сифатида талқин этилишидан далолат беради.

Юртимизни модернизация ва ислоҳ қилиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни изчил давом этмоқда. Ислохотлар мамлакатимиздаги барча соҳаларни қамраб олган. Бундан бош мақсад юртимизни янада демократлаштириш, қонун устуворлиги ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Бу борада 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси

муҳим ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳужжат кенг қамровлилиги билан эътиборга молик. Жумладан, фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустақкамлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мулк ҳимоясига қаратилган бундай чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти, мақсади мулк ҳуқуқи кафолатини таъминлаш ва бу борадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштиришга, балки фуқароларнинг мулкдор сифатида ўз ҳуқуқларини яхши билишига ва ҳимоя қила олиш қобилиятини шакллантиришга ҳам қаратилди.

Чунки сўнгги йилларда мулк дахлсизлигига эътибор бермаётган мансабдор шахслар асоссиз равишда фуқаролар ва тадбиркорларнинг кўчмас мулкни бузиб ташлаш, баъзи амалдорлар эса ҳар хил важлар билан хусусий мулкни, шу жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкни олиб қўйиш, мулкдорга қасддан номақбул шартлар қўйиш каби ҳолатлар кўпайган эди.

Мамлакатимизда ҳар қайси хусусий мулкдорнинг қонуний йўл билан қўлга киритган мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилган бўлса-да, айтиш мумкин муаммолар мамлакатимиз иқтисодини тубдан яхшилаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида хусусий мулкнинг дахлсизлигини кучайтириш зарурлигини кўрсатди.

Мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминламасдан иқтисодий ривожланишга эришиш қийин. Бу Асосий Қонунимизда ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу меъёр мамлакатимизнинг бошқа бир қатор қонунларида ҳам акс этган. Хусусан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмаслиги назарда тутилган. Шунингдек, мулкдор хусусий мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига олиб келадиган қарорга рози бўлмаган тақдирда, бу қарор суд томонидан низо ҳал этилгунига қадар амалга оширилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекснинг 164-моддасида мулк ҳуқуқи тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир” [3].

Евгений Сухановнинг таъкидлашига кўра мулкнинг дахлсизлиги – хусусий мулкда ҳам, оммавий мулкда ҳам мулкдорнинг ўзига тегишли мулкни фақат ўзининг манфаатлари йўлида, мулкнинг ўзбошимчалик билан олиб қўйилиши ёки ундан фойдаланишнинг ўзбошимчалик билан чекланишидан хавфсирамаган ҳолда фойдаланиши таъминланганлигини ҳамда шунга доир чораларнинг белгиланганлигини билдиради [4, Б.39].

И. Зокиров ва М. Баратовларнинг фикрича, мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг унинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини

сақлашларидан иборатдир. Мулкдор қонун йўл қўйган асосларда, доирада ўз мулкига ўзи эгалик қилади, ўзи фойдаланади ва ўзи тасарруф этади. Бу мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқидир. Унга ташқи томондан тазйиқ ўтказишга, унинг ички ишларига аралашишга, мулкни олиб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳаттоки мулкдорнинг ўз ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиши ҳам унинг мулк ҳуқуқини бекор қилмайди [5, Б.11-12].

Шундай экан, хусусий мулкнинг дахлсизлини таъминлаш, турли тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, мулкдорлар синфини қўллаб қувватлаш, ўзига тегишли бўлган мол-мулкка мустақил эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир.

Албатта, юқоридагилардан келиб чиқиб амалдаги Конституциямизда ҳам шахснинг мулкка бўлган эгалик ҳуқуқлари, мулкнинг дахлсизлиги бир қатор нормаларда давлат томонидан кафолатланганлигини кўришимиз мумкин. Лекин ундан маҳрум этиш ёки мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш фақатгина суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асосида маҳрум этилишини конституцион норма сифатида киритган ҳолда қатъий қоида тариқасида **“Шахс мулки суднинг қарорисиз олиб қўйилиши мумкин эмас”** лиги тўғрисидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши // <http://xs.uz/uzkr/post>.
2. Темур тузуклари. – Т., 2016.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Тошкент: Адолат, 2018.
4. Гражданское право: В 2-х т. Т.1. Учебник. /Отв. ред. Е.А.Суханов (Автор этой главы – Е.А.Суханов). –М., БЕК, 2014.
5. Зокиров И., Баратов М. Мулк нима? Мулдор ким?- Т.: ТДЮИ, 2003.